

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ РЎД 27.06.2017.Қх.12.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

**УЗАҚОВ ҒУЛОМЖОН ОҚБУТАЕВИЧ**

**УЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАСИДА КУЗГИ БУГДОЙ  
ЕТИШТИРИШДА РЕСУРС ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08-Ғимматлик нуқсонлик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда бугдой етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига сифатли ва мул ҳосил олишга катта аҳамият берилмоқда. Дунё бўйича 2016 йилда жами 729 млн. тонна бугдой дони етиштирилган бўлса, шундан юмшоқ бугдой улуши жами экилган бугдойнинг деярли 95 фоизига тўғри келади<sup>1</sup>. Кейинги йилларда дунё бўйича суғориладиган ер майдонларининг ҳайдалма қатламида сув-шамол эрозиясининг кучайиши, тупроқда микрофауна ва флоранинг камайиши ҳосилдорликнинг 20-30 фоизга пасайишига олиб келмоқда. Бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида қўплаб давлатларда бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор (No-till) технологияни қўллаш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда.

Дунёда ғалла етиштириш соҳасида No-till, минимал ишлов бериш, ресурстежамкор технологиялар қўлланилиши эвазига тупроқда микрофлора ва микрофаунанинг ривожланиши, тупроқ унумдорлигининг ортиши, эрозия жараёнининг олди олиниши, бундан ташқари, ёқилги-мойлаш материаллари ва бошка ресурсларни тежаланиши натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эришилмоқда<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан, ғалла етиштиришда ресурстежамкор, тупроқ мухитини яхшилашга қаратилган, турли тупроқ-иклим шароитларида кузги бугдой етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги тизими бугунги кунда тубдан янгиланмоқда. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аграр секторда кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида соҳанинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишни диверсификациялаш, замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши ҳисобига бугунги кунда 8 миллион 377 минг тонна дон ҳосили олишга эришилмоқда. Республикамизни янада ривожлаштириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-

<sup>1</sup> [www.ab-clentre.ru](http://www.ab-clentre.ru); <http://www.statista.com>;

<sup>2</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Система\\_нулевой\\_обработки\\_почвы](https://ru.wikipedia.org/wiki/Система_нулевой_обработки_почвы);

овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг урганилганлик даражаси.** Кузги бугдойнинг куз даврида ўсиши, ривожланиши, қишлаб чиқиши, тур, нав, экиш муддатлари, об-ҳаво, ўғитлаш, сугориш, утмишдошларга боғлиқлиги Ф.М.Пруцков, И.П.Осипов, Н.Халилов, П.Х.Бобомирзаев, В.Гостюхин, Х.Х.Келдиёрова, Т.Жалолов, А.Мансуровлар томонидан урганилган. Олиб борилган тадқиқотларга кура, энг мақбул экиш муддати Қозоғистоннинг Олма-ота, Толди Қурғон, Жамбул вилоятларида 10-15 октябр, Чимкентда 20-30 сентябр, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятида 10-15 октябр, Қашқадарёда 21 октябр, Тошкент вилоятида 5-10 октябр, Қорақалпоғистон Республикасида 21 сентябрдан 10 октябргача, Россия федерациясининг Москва, Орлов вилоятларида 25-30 август, Кострома вилоятида 15-20 август, Шимолий Кавказда 10-20 сентябр эканлиги кайд қилинган.

Кузги бугдойни ресурстежамкор технология асосида етиштиришда тупроққа асосий ишлов бериш энг муҳим тадбирлардан бири эканлиги Г.А.Лавронов, Н.Г.Малюга, Р.Назаров, Ф.Ҳасанова, Х.Н.Атабаевалар томонидан урганилган ва асосий ишлов бериш тупроқнинг физик, физик-кимёвий, кимёвий, сув-физик, биологик хоссаларини, сув, нисққлик, озик тартибини яхшилаши, тупроқ микроорганизмлари фаолиятининг кучайишига қўмақлашиши, органик моддаларнинг чиришини тезлаштириб, усимликнинг ривожланиши учун қулай шароит яратишини исботлашган.

Ресурстежамкор технологияларнинг аъъанавий технологияларга нисбатан бир қатор афзалликларга эгалиги Т.Фридрих, А.Кассам, Ф.Тахер, Ж.А.Каскарбаев, Б.Айбергеновлар томонидан илмий асосланган. Олимларнинг фикрича, ресурстежамкор технологиялар ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиради ва экотизимларни ҳимоя қилади. Хорижлик олимлар - Н.М.Saturnino, J.N.Landers, A.Bot, J.Benites экинларни ресурстежамкор етиштириш технологияларида, ерга ишлов бериш учун зарур иш кучи ва энергия сарфи ерга аъъанавий усулда ишлов беришга қиёсланганда 60%гача камайиши, шунингдек минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳам камайиши, тупроқда органик моддаларнинг ошиши, унинг сув сақлаш қобилиятини яхшиланиши ва усимликларнинг узоқ давом этадиган қурғоқчиликка чидамлиги ошиши сингари афзалликлари аниқланган.

Лекин, тупроққа ишлов бермасдан, очик майдонларда ва гуза қатор ораларида бошқкли дон экинларини етиштиришда ушбу жиҳатлар Республикамининг жанубий минтақасида умуман урганилмаган, етиштириш

агротехнологиялари ишлаб чиқиш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-090-2015 «Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида янги кузги бугдой навларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш орқали сугориладиган ерларда бугдой етиштириш самарадорлигини ошириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** республиканинг жанубий минтақаси сугориладиган ерларида бугдойни янги навларини очиқ майдонларда ва ғуза қатор ораларида етиштиришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

республиканинг жанубий минтақаси шароитида бугдойни янги навларини экиш муддатлари, меъёрлари, усулларини очиқ майдон ва ғуза қатор ораларида синаш асосида уларни мақбуллаштириш;

замонавий ғалла экиш сеялқалари орқали анъанавий (СЗУ-3,6) экиш сеялқасига нисбатан ресурстежамкор технологиялар ишлаб чиқиш;

ресурстежамкор технологияларда бугдойни янги навларининг ўсиши, ривожланиши, ўсимликларнинг кишлаб чиқиши, ҳосилнинг шаклланиши, ётиб қолишга чидамлигини аниқлаш;

бугдойни янги навлари донининг биокимёвий таркиби, оксил ва клейковина миқдори, нонбоплик сифатини баҳолаш, уларнинг кучли ва кимматли бугдой талабларига жавоб беришини аниқлаш;

кузги бугдойнинг янги яратилган навлари учун энг мақбул етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кузги юмшоқ бугдойнинг Яксарт, Ҳозгон, Бунёдкор навлари, Бразилияда ишлаб чиқарилган Фанкхаузер-2115 ва СЗУ-3,6 ғалла экиш сеялқалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кузги юмшоқ бугдойни турли экиш усуллари, меъёр ва муддатлари, уруғларнинг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ҳосилнинг шаклланиши, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** дала ва лаборатория тажрибалари «Бутироссия ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти услуги», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» бўйича, ўсимликларда фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услуги» асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса «Методика полевого опыта» бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг жанубий минтақаси шароитида бугдойни янги навларини экиш муддатлари, меъёрлари, усулларини очиқ майдон ва ғуза

катор ораларида синалган ва улар мақбуллаштирилган;

замонавий галла экиш сеялкалари орқали анъанавий (СЗУ-3,6) экиш сеялкасига нисбатан ресурстежамкор технологиялар ишлаб чиқилган;

ресурстежамкор технологияларда бугдойни янги навларнинг ўсиши, ривожланиши, ўсимликларнинг кишлаб чиқиши, ҳосилнинг шаклланиши, ётиб қолишга чидамлиги аниқланган;

бугдой янги навлари донининг биокимёвий таркиби, оксил ва клейковина миқдори, нонбоплик сифати баҳоланган, уларнинг кучли ва қимматли бугдой талабларига жавоб бериши аниқланган;

кузги бугдойнинг янги яратилган навлари учун энг мақбул етиштириш технологияси юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Қашқадарё вилояти тупроқ-иклим шароитида (Қарши тумани мисолида) суғориладиган ерларда бугдой янги навларининг экиш муддатлари, меъёрлари ҳамда экиш усуллари очик майдон ва ғуза қатор ораларида уйғунлашган ҳолда ўрганилиб, бугдой янги навларини етиштиришда уларнинг биологик хусусиятларига мос, ёқилги, сув ва бошқа ресурсларни тежашга имкон берадиган ресурстежамкор агротехнология ишлаб чиқилган;

ресурстежамкор технологияларда бугдой янги навларининг ўсиши, ривожланиши мақбуллашиб, ўсимликларнинг кишлаб чиқиш салмоғи юкори бўлиши, маҳсулдор поялар сони, ётиб қолишга чидамлиги ортган;

бугдойдан мул ва сифатли дон ҳосили етиштиришга эришилган;

бугдой янги навлари донининг биокимёвий таркиби яхшиланиб, оксил ва клейковина миқдори ортган, нонбоплик сифати яхшиланиб, уларнинг кучли ва қимматли бугдой талабларига жавоб бериши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга мамматик-статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва ҳулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соҳани модернизациялаш жараёнида ресурстежамкор агротехнологиялар қўлланилганлиги, кузги бугдой уруғларининг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши ва ҳосил тўплаши мақбуллашганлиги, доннинг технологик сифати яхшиланганлиги, майдон бирлигида ҳаражатлар камайганлиги ҳамда иктисодий самарадорлик барқарор ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гуза қатор ораларида ресурстежамкор кузги бугдой етиштириш технологиясини қўллаш технологик тадбирлар тизимини уйғунлаштиришга, усимликларнинг усиш-ривожланишини мақбуллаштиришга, ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида кузги бугдой етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

кузги бугдойни етиштиришда ресурстежамкор усулларни қўллаш юзасидан «Бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор усулларни қўллаш» тавсияномаси ишлаб чиқилиб, фермер хўжалиқларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2018 йил 25 январда тасдиқланган). Бунинг натижасида рентабеллик даражаси 45-70 фоизни ташкил этган;

гуза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкаси ёрдамида кузги бугдой уруғларини тўғридан-тўғри экиш ва юкори ҳосил олиш агротехнологияси Қашқадарё вилоятининг Нишон, Қарши ва Касби туманлари ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига 2016-2017 йилларда, жами 59 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 октябрдаги №02/21-543-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида усимликларнинг кишлаб чиқиши, ҳосилнинг шаклланиши, доннинг кимёвий таркиби, оксил ва клейковина миқдори, нонбоплик сифатлари яхшиланган ва дон ҳосилдорлиги гектарига 5-7 центнерга ошган;

кузги бугдойни экиш муддатлари ва меъёрлари мақбуллаштирилган ресурстежамкор агротехнологияси республиканинг жанубий минтақаси шаронтида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларида кенг майдонларга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 октябрдаги №02/21-543-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида сув, ёкилги мойлаш материаллари ва бошка ресурслар тежалиб, гектаридан 658-1301 минг сумгача соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 31-71 фоизгача ошиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та хорижий нашрларда ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сунги йилларда кузги бугдой етиштиришда экинш меъёри, муддатлари ва ресурстежамкор технологияларнинг ўрганилиш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзу йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда турли экинш усуллари, меъёр ва муддатларининг дон ҳосилдорлиги ва сифатини оширувчи, ресурстежамкор, иқтисодий самарадор технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажирибаларни олиб бориш шароити ва методикаси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари батафсил баён этилган.

Дала тажирибалари Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг сугориладиган оч тусли буз тупроқлар шароитида олиб борилганлиги келтирилган.

Тажириба ўтказилган 2015-2017 йилларда бошоқли дон экинларини етиштириш мавсумларида ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати майсанинг унинг чиқиш даврида ўртача ҳисобда эрта муддатда 13,6-16,6 °С ни, ўрта муддатда 8-13,2 °С ни, кеч муддатда 2014 йилда 5,4 °С, 2015 йилда 7,2 °С, 2016 йилда эса – 1,8 °С ни ташкил этганлиги келтирилган.

Тупроқ, Усимлик ва дон таркибидаги умумий NPK ва ҳаракатчан NPK микдори, оқсил, клейковина, шишасимонлик, натура, 1000 донга дон массаси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали Доннинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва физиология лабораториясида ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимё лабораториясида аниқланган.

Таҳлил учун тупроқ намуналари «**Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах**» (1963) усуллари бўйича олинган.

Гумус микдори И.В.Тюрин усулида (ГОСТ-26213); нитрат азоти-ион селектив усулида, ГОСТ-13496-10; умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор 1% аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий

оловли фотометрда П.В.Протасов усулида; сувда эрийдиган тузлар ва курук қолдик умумий қабул қилинган услубда (ГОСТ-26423-85), рН суви суримда потенциалометр ёрдамида аниқланган.

Дон таркибидаги оксид, клейковина, шишасимонлик, натура, 1000 дон дон массаси доннинг технологик хусусиятларини урганиш методикаси ГОСТ-9353-84 ва ГОСТ 13586-1-68 бўйича аниқланган.

Кузги бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотлар натижаларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси бўйича ҳисобланган.

Диссертациянинг «Кузги бугдой ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига экиш усуллари, меъёрлари, муддатларининг таъсири» деб номланган учинчи бобида Қашқадарё вилояти оч тусли буз тупроқлари шароитида кузги бугдой уруғларининг унувчанлиги, кишга чидамлиги, ривожланиш фазалари, усимлик бўйи, ҳосил элементлари, ҳосилдорлиги, доннинг технологик сифат курсаткичларига турли экиш усуллари, меъёр ва муддатларининг таъсири баён этилган.

Тажрибаларда очик майдонга анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда уруғларнинг дала унувчанлиги 82%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 85% ташкил қилиши ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан 3% юқори бўлиши аниқланган. Ғуза қатор ораларига анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда уруғларнинг дала унувчанлиги 78%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 85% ташкил қилиши ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан 7% юқори бўлиши қайд этилган (I-жадвал).

I-жадвал

Кузги бугдой уруғлари дала унувчанлигига экиш усуллари, меъёри ва муддатларининг таъсири (2014-2016 йй.)

Вариантлар			Эрта муддат (10 октябр) да 1 м <sup>2</sup> да униб чикқан усимлик		Урта муддат (1 ноябр) да 1 м <sup>2</sup> да униб чикқан усимлик		Кеч муддат (20 ноябр) да 1 м <sup>2</sup> да униб чикқан усимлик	
			дона	%	дона	%	дона	%
Очик майдон	Фанкхаузер-2115	5 млн	426	85	412	82	387	77
		5,5 млн	469	85	453	82	429	78
		6 млн	502	84	485	81	457	76
	СЗУ-3,6	5 млн	409	82	390	78	373	75
		5,5 млн	453	82	433	79	414	75
		6 млн	493	82	474	79	447	75
Ғуза қатор опаси	Фанкхаузер-2115	5 млн	422	84	411	82	392	78
		5,5 млн	462	84	449	82	427	78
		6 млн	516	86	501	83	471	78
	СЗУ-3,6	5 млн	388	78	375	75	351	70
		5,5 млн	427	78	414	75	385	70
		6 млн	466	78	453	75	423	70

Урта муддатда экилган кузги бугдой уруғлари дала унувчанлиги экиш меъёрлари таъсирида 75% дан 83% гача, эрта муддатга нисбатан 2-3% кам бўлиши кузатилган. Очик майдонга анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда

уруғларнинг дала унувчанлиги 79%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 82% ташкил қилиши ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан 3% юқори бўлиши аниқланган. Ғўза қатор ораларига анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда уруғларнинг дала унувчанлиги 75%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 82% ташкил қилиши ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан 7% юқори бўлиши ҳисобга олинган.

Кеч муддатда экилган кузги бугдой уруғлари дала унувчанлиги экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда 70% дан 78% гача, эрта муддатга нисбатан 7-8%, ўрта муддатга нисбатан эса 5% кам бўлиши аниқланди. Очик майдонга анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда уруғларнинг дала унувчанлиги 75%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 77% ташкил қилди ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан 2% юқори бўлиши кузатишган. Ғўза қатор ораларига анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда уруғларнинг дала унувчанлиги 70%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 78% ташкил қилган ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан 8% юқори бўлиши қайд этилган.

Кузги бугдой уруғлари тулиқ униб чиққанда ҳисобланганда экиш усули ва меъёрларига боғлиқ ҳолда 1 м<sup>2</sup> да эрта муддат (10 октябр)да экилганда экилган уруқка нисбатан 78-86% униб чиқиши кузатишган. Баҳорда (1 март ҳолатида) саналганда эса 1 м<sup>2</sup> даги ўсимликлар сони экилган уруқка нисбатан 74-82% ёки ўртача 4% камайганлиги ҳисобга олинган.

Ўрта муддат (1 ноябр)да экилганда экилган уруқка нисбатан 75-83% униб чиқиши кузатилиб, кишлашдан кейин (1 март ҳолатида) саналганда сийраклашиши туфайли 1 м<sup>2</sup> даги ўсимликлар сони экилган уруқка нисбатан 72-80% ёки ўртача 4% камайганлиги аниқланган.

Кеч муддат (20 ноябр)да экилганда экилган уруқка нисбатан 70-79% униб чиқиши кузатишган. Баҳорда (1 март ҳолатида) саналганда эса сийраклашиши туфайли 1 м<sup>2</sup> даги ўсимликлар сони экилган уруқка нисбатан 66-75% ёки ўртача 4% камайганлиги қайд этилган.

Кузги бугдой уруғларининг экиш-униб чиқиш даврига экиш меъёрлари таъсир ҳурсатмаганлиги, экиш муддатларининг ўзгариши билан экиш-униб чиқиш даврининг давомийлигига ҳам ўзгарганлиги ҳисобга олинган. Эрта муддатда экилганда экиш-униб чиқиш даври 8-11 кунни, жумладан уруғлар очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 8 кунни ва Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 9 кунни, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида ва Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда эса 11 кунни ташкил этган (2-жадвал).

Уруғлар ўрта муддатда экилганда экиш-униб чиқиш даври 12-14 кун, жумладан очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 12 кун ва Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 13 кун, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 14 кун, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 13 кун давом этганлиги аниқланган.

Кечки муддатда уруғлар экилганда экиш-униб чиқиш даври 18-20 кун, очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 18 кун ва Фанкхаузер-2115 экиш сеялкасида экилганда 20 кун, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида ва Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 20 кунни ташкил этиши ҳисобга олинган.

**Кузги бугдой ривожланиш фазалари ва усув даврининг давомийлиги  
(2015-2017 йй.)**

Вариантлар		Навлар номи	Ривожланиш фазаларининг давомийлиги, кун								
			эрта мuddатда			урта мuddатда			кеч мuddатда		
			экиш-униб	чаккил бутун	уСУВ лавли	экиш-униб	чаккил бутун	уСУВ лавли	экиш-униб	чаккил бутун	уСУВ лавли
Очиқ майдон	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	Ғозгон	9	236	12	216	20	197			
		Бунёдкор	9	235	13	214	20	196			
		Яксарт	9	236	13	216	20	198			
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	Ғозгон	8	235	12	215	18	197			
		Бунёдкор	8	234	12	214	18	196			
		Яксарт	8	236	12	216	18	198			
Ғуза қатор ораси	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	Ғозгон	11	236	13	216	20	198			
		Бунёдкор	11	235	13	215	20	197			
		Яксарт	11	237	14	216	20	198			
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	Ғозгон	11	236	14	215	19	198			
		Бунёдкор	11	235	14	215	20	197			
		Яксарт	11	237	14	216	20	198			

Кузги бугдой навларининг усув даври уруғлар эрта мuddатда экилганда 234-237 кун, урта мuddатда экилганда 214-216 кун, кечки мuddатда экилганда 196-198 кун бўлиши аниқланган. Уруғлар эрта мuddатда экилганда тушлаш фазасининг тулик шаклланиши ҳисобига вегетация даврининг узайишига, экишнинг кечикиши эса барча ривожланиш фазалари ва усув даврининг қисқаришига олиб келган.

Экиш усуллари, меъёр ва мuddатлари маҳсулдор поялар сонига таъсир кўрсатиши аниқланган. Маҳсулдор поялар сони уруғлар эрта мuddатда экилганда экиш меъёрига боғлиқ ҳолда 508 тадан 638 тагача ўзгариши, урта мuddатда экилганда 477 тадан 589 тагача, кеч мuddатда эса 405 тадан 489 тагача ўзгариши қайд қилинган. Экиш меъёрининг ошиб бориши ҳам маҳсулдор поялар сони ошиб боришини таъминлаган. Маҳсулдор поялар сонининг тахлили кўрсатишича, очиқ майдонда галла экиш сеялкаси маҳсулдор поялар сонига кучли таъсир этмаслиги, ғуза қатор орасига эҳдиған Фанкхаузер-2115 сеялкаси эса уруғларнинг жуяқларга бир хил тушишини таъминлаши эъвазига маҳсулдор поялар сони кўпроқ бўлишига эришилган.

Тажрибаларда кузги бугдойнинг биометрик кўрсаткичларига экиш усуллари, меъёр ва мuddатлари сезиларли таъсир кўрсатган. Бошоқ узунлиги экиш мuddатларига мос равишда ўзгариб бориши кузатишган. Уруғлар эрта мuddатда экилганда экиш меъёрига боғлиқ ҳолда бошоқ узунлиги 10,1-10,8 см ни, урта мuddатда экилганда 9,8-10,3 см ни, кеч мuddатда экилганда эса 9,2-10 см ни ташкил этган.

Уруғлар эрта ва ўрта муддатларда экилганда бошоқдаги донлар сони 43-45 донани ташкил қилган ҳолда экиш усуллари буйича сезиларли фарк кузатилмаган. Бошоқдаги донлар сони кечки муддатда экилганда 39-43 дона ёки эрта ва ўрта муддатларга нисбатан 3-4 та кам эканлиги, экиш усуллари буйича ўзгариб бориши аниқланган. Ўсимлик буйи экиш муддатининг кечикиши билан пасайиб бориш қонуниятига барча навларда қайд этилган.

Эрта муддатда экилганда турли экиш усуллари ва меъёрлари ҳамда навларнинг биологик хусусиятига кура дон ҳосилдорлиги ўзига хос равишда ўзгариб борганлиги, бунда энг юқори ҳосилдорлик ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида 6 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда Ҳозгон навида (68,6 ц/га) кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

Эрта муддатда экиш усули ва меъёрининг дон ҳосилдорлигига таъсири  
(2015-2017 йй.)

Вариантлар			Навлар буйича ҳосилдорлик, ц/га		
			Ҳозгон	Бунёқдор	Яксарт
Очиқ майдон	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	5 млн дона	56,6	55,2	54,1
		5,5 млн дона	59,3	57,6	56,3
		6 млн дона	60,6	58,9	57,4
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	60,3	60,4	57,9
		5,5 млн дона	62,6	62,4	61,6
		6 млн дона	63,8	63,4	62,6
Ғуза қатор ораси	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	5 млн дона	64,2	63,2	62,6
		5,5 млн дона	67,4	65,6	64,3
		6 млн дона	68,6	66,8	65,5
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	60,2	58,6	57,9
		5,5 млн дона	62,3	61,4	59,1
		6 млн дона	64,0	62,4	60,7

Навлар буйича ўртача ҳосилдорлик экиш меъёрларига мос равишда очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 54,1-60,6 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 57,9-63,8 ц/га, ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 62,6-68,6 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 57,9-64,0 ц/га ни ташкил этган.

Ўрта муддатда 6 млн унувчан уруғ ҳисобида ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда энг юқори ҳосилдорлик Ҳозгон навида (60,5 ц/га) кузатилган (4-жадвал).

Сеялкаларга мос равишда уруғлар очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда навлар буйича ҳосилдорлик 50,3-56,7 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 52,5-58,9 ц/га, ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 53,6-60,5 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 51,2-56,3 ц/га ни ташкил этган.

Уруглар очик майдонга СЗУ-3,6 галла экиш сеялкасида 6 млн дона унувчан уруг хисобида кечки муддатда экилганда турли экиш усуллари ва меъёрлари ҳамда навларнинг биологик хусусиятига кўра, энг юкори хосилдорлик Ғозгон навида (50,9 ц/га) кузатилган.

4-жадвал

Урта муддатда экиш усули ва меъёрининг дон хосилдорлигига таъсири (2015-2017 йй.)

Вариантлар			Навлар буйича хосилдорлик, ц/га		
			Ғозгон	Бунёдкор	Яксарт
Очик майдон	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	5 млн дона	52,5	51,6	50,3
		5,5 млн дона	54,4	53,6	52,2
		6 млн дона	56,7	55,1	53,7
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	55,9	54,7	52,5
		5,5 млн дона	57,8	56,4	53,8
		6 млн дона	58,9	57,9	56,6
Ғуза қатор ораси	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	5 млн дона	56,2	55,5	53,6
		5,5 млн дона	58,9	57,6	55,4
		6 млн дона	60,5	59,4	56,6
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	52,4	51,9	51,2
		5,5 млн дона	53,6	53,3	53,6
		6 млн дона	56,3	55,9	54,9

Экиш меъёрларига мос равишда навлар буйича ўртача хосилдорлик уруглар очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 42,2-46,9 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 43,1-50,9 ц/га, ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 45,0-49,0 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 37,8-42,2 ц/га ни ташкил этган (5-жадвал).

5-жадвал

Кечки муддатда экиш усули ва меъёрининг дон хосилдорлигига таъсири (2015-2017 йй.)

Вариантлар			Навлар буйича хосилдорлик, ц/га		
			Ғозгон	Бунёдкор	Яксарт
Очик майдон	Фанкхаузер 2115 сеялкада экиш	5 млн дона	42,9	42,5	42,2
		5,5 млн дона	45,3	44,6	45,0
		6 млн дона	46,9	46,0	46,0
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	46,7	44,5	43,1
		5,5 млн дона	49,2	46,1	44,5
		6 млн дона	50,9	47,6	47,5
Ғуза қатор ораси	Фанкхаузер 2115 сеялкада экиш	5 млн дона	46,5	45,8	45,0
		5,5 млн дона	47,8	46,6	46,3
		6 млн дона	49,0	47,8	47,7
	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	39,0	37,8	38,3
		5,5 млн дона	40,7	39,5	40,0
		6 млн дона	42,2	41,1	41,5

Урганилган барча навлар дон сифати буйича кучли ва қимматбаҳо навлар гуруҳига мансублиги аниқланган. Энг юқори оксил миқдори Ғозгон навида 14,9 %, Бунёдкор навида 15,4 %, Яқсарт навида 15,3 % бўлиши. Энг юқори клейковина миқдори Ғозгон навида 29,6 %, Бунёдкор навида 30,3 %, Яқсарт навида 30,0 % бўлиши қайд қилинган. Экиш муддатининг кечикиши ва экиш меъёрининг ортиб бориши билан дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорининг камайиши қонуниятия кузатишган.

Тажрибаларда 1000 дона дон массаси экиш муддатлари ва меъёрлари таъсирида 37,4 г дан 44,3 г гача узгарган, яъни барча экиш муддатларида экиш меъёрларининг ошиб бориши ва экиш муддатларининг кечикиши билан 1000 дона дон массаси камайган. 1000 дона дон массаси буйича бошқа навларга нисбатан Бунёдкор нави юқори кўрсаткичга эгаллиги аниқланган.

Тадқиқотларда экиш усуллари, меъёр ва муддатлари таъсирида дон натураси 766,7 г/л дан 812 г/л гача ўзгариши кузатишган. Экиш усуллари ва муддатларига мос равишда кузги бугдой навларида экиш муддатининг 10 октябрдан 20 ноябргача кечикиши дон натураси пасайишига олиб келган. Уруғлар эрта ва ўрта муддатларда 5-5,5 млн. дона унвчан уруғ ҳисобида экилганда доннинг шишасимонлиги юқори (77-79 %), кечки муддатларда экилганда эса пасайиши (71 %) кузатилади. Навлар кесимида юқори шишасимонлик Бунёдкор (85,2 %) ва Яқсарт (86,1%) навларида қайд қилинган, Ғозгон нави нисбатан паст кўрсаткичга (77,8 %) эгаллиги аниқланган.

Диссертациянинг «Кузги бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида ғалла етиштиришда турли экиш усуллари, меъёр ва муддатларининг иқтисодий самарадорлиги ва рентабеллиги даражаси келтирилган (6-жадвал).

6-жадвал

**Эрта муддатда экилганда иқтисодий самарадорлик (2015-2017 йй.)**

Вариантлар		Ҳосилдорлик, ш/га	Ялли даромад, минг, сум/га	Жами ҳаражат, минг, сум/га	Шартли соф фойда, минг, сум/га	Дон таннарки, сум/кг	Рентабеллик даражаси, %	
Очиқ ҷайдон	Фанк-хаузер-2115	1 млн	55,3	3040,9	2086,9	954	377,6	45,7
		5,5 млн	57,7	3172,3	2121,9	1050,4	368	49,5
		6 млн	59,0	3242,6	2156,9	1085,6	366	50,3
	СЗУ-3,6	5 млн	59,5	3274,9	2295,6	979,4	385,7	42,7
		5,5 млн	62,2	3421,6	2330,6	1091	374,6	46,8
		6 млн	63,3	3481,5	2365,6	1115,9	373,7	47,2
Ўза қап срани	Фанк-хаузер-2115	1 млн	63,3	3483,3	2086,9	1396,4	329,6	66,9
		5,5 млн	65,7	3615,9	2121,9	1494	322,9	70,4
		6 млн	67,0	3684,4	2156,9	1527,5	322,1	70,8
	СЗУ-3,6	5 млн	58,9	3239,5	2179,5	1060	370,1	48,6
		5,5 млн	60,9	3351,3	2214,5	1136,9	363,6	51,3
		6 млн	62,4	3430,2	2249,5	1180,7	360,9	52,5

Уруғлар эрта муддатда очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 954,0-1085,6 минг сум, 1 кг дон таннархи 377,6-366,0 сум, рентабеллик даражаси эса 45,7-50,3%, уруғлар СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса шартли соф фойда 979,4-1115,9 минг сум, 1 кг дон таннархи 385,7-373,7 сум, рентабеллик даражаси эса 42,7-47,2%ни, гуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 1396,4-1527,6 минг сум, 1 кг дон таннархи 329,6-322,1 сум, рентабеллик даражаси эса 66,9-70,8% ва уруғлар СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 1060,0-1180,7 минг сум, 1 кг дон таннархи 370,1-360,9 сум, рентабеллик даражаси эса 48,6-52,5%ни ташкил этганлиги аниқланган.

Уруғлар ўрта муддатда очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 744,4-886,0 минг сум, 1 кг дон таннархи 405,5-389,5 сум, рентабеллик даражаси эса 35,7-41,3%ни, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 694,0- 824,0 минг сум, 1 кг дон таннархи 422,6-407,6 сум, рентабеллик даражаси эса 30,2-35,0%ни ташкил этганлиги аниқланган (7-жадвал).

7-жадвал

Ўрта муддатда экилганда иқтисодий самарадорлик (2015-2017 йй.)

Вариантлар		Хосилдорлик, ц/га	Ялғи даромад, минг, сум/га	Жами ҳаҷажат, минг, сум/га	Шартли соф фойда, минг, сум/га	Дон таннархи, сум/кг	Рентабеллик даражаси, %	
Очиқ майдон	Фанк-хаузер-2115	5 млн	51,5	2831,3	2086,9	744,4	405,5	35,7
		5,5 млн	53,4	2938,2	2116,9	821,3	396,4	38,8
		6 млн	55,1	3032,9	2146,9	886,0	389,5	41,3
	СЗУ-3,6	5 млн	54,4	2989,6	2295,6	694,0	422,6	30,2
		5,5 млн	56,0	3079,4	2325,6	753,8	415,7	32,4
		6 млн	57,8	3179,6	2355,6	824,0	407,6	35,0
Гуза қатор ораси	Фанк-хаузер-2115	5 млн	55,1	3029,9	2086,9	943,0	379,0	45,2
		5,5 млн	57,3	3150,3	2116,9	1033,4	369,8	48,8
		6 млн	58,8	3236,4	2146,9	1089,5	365,1	50,7
	СЗУ-3,6	5 млн	51,8	2851,4	2179,5	672,0	420,4	30,8
		5,5 млн	53,5	2941,9	2209,5	732,4	413,1	33,1
		6 млн	55,7	3063,5	2239,5	824,0	402,1	36,8

Гуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 943,0-1089,5 минг сум, 1 кг дон таннархи 379,0-365,1 сум, рентабеллик даражаси эса 45,2-50,7%ни, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 672,0-824,0 минг сум, 1 кг дон таннархи 420,4-402,1 сум, рентабеллик даражаси эса 30,8-36,8%ни ташкил этганлиги қайд қилинган (8-жадвал).

Уруғлар очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида кечки муддатда экилганда шартли соф фойда 270,8-422,2 минг сум, 1 кг дон таннархи 486,8-459,7 сум, рентабеллик даражаси эса 13,0-19,7% булган бўлса, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 122,8-390,3 минг сум, 1 кг дон таннархи 522,6-490,3 сум, рентабеллик даражаси эса 3,4-12,3%ни ташкил этган.

resurs markazi  
Inv № 14230

## Кечки муддатда экилганда иктисодий самарадорлик (2015-2017 йй.)

Вариантлар		Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи даромад, минг, сўм/га	Жами харажат, минг, сўм/га	Шартли соф фойда, минг, сўм/га	Дон таннархи, сўм/кг	Рентабеллик даражаси, %	
Очик майдон	Фанкхаузер-2115	5 млн	42,9	2357,7	2086,9	270,8	486,8	13,0
		5,5 млн	45,3	2492,5	2116,9	375,6	467,2	17,7
		6 млн	46,7	2569,1	2146,9	422,2	459,7	19,7
	СЗУ-3,6	5 млн	44,0	2419,4	2295,6	123,8	522,6	5,4
		5,5 млн	45,8	2520,8	2325,6	195,2	508,5	8,4
		6 млн	48,1	2645,9	2355,6	290,3	490,3	12,3
Ўзга қатор	Фанкхаузер-2115	5 млн	44,1	2423,9	2086,9	337,0	473,6	16,1
		5,5 млн	45,2	2485,6	2116,9	368,7	468,5	17,4
		6 млн	46,5	2555,3	2146,9	408,4	462,1	19,0
	СЗУ-3,6	5 млн	36,7	2019,3	2179,5	-160,1	593,8	-7,3
		5,5 млн	38,4	2111,6	2209,5	-97,9	575,7	-4,4
		6 млн	39,7	2181,9	2239,5	-57,6	564,6	-2,6

Уруғлар ғўза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда шартли соф фойда 337,0-408,4 минг сўм, 1 кг дон таннархи 473,6-462,1 сўм, рентабеллик даражаси эса 16,1-19,0%ни ташкил этганлиги, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 1 кг дон таннархи 593,8-564,6 сўмни ташкил этиб, фойда олишни таъминламаган ва рентабеллик даражаси манфий курсаткича бўлганлиги аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Кузги бугдой уруғларининг дала унувчанлиги экиш муддатлари ва усуллари таъсирида 70-85%ни ташкил қилади. Уруғларнинг дала унувчанлиги экиш муддатларига мос равишда очик майдонга анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда 75-82%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 77-85%, ғўза қатор ораларига анъанавий СЗУ-3,6 сеялкада экилганда 70-78%, Фанкхаузер-2115 сеялкада экилганда 78-85%ни ташкил қилади ёки СЗУ-3,6 сеялкага нисбатан дала унувчанлик 3-8% юқори бўлишини таъминлайди. Экиш муддатларининг кечикишида экиш-униб чиқши даврининг узайиши хароратнинг пасайиши билан боғлиқ.

2. Кузги бугдойнинг кишга чидамлиги эрта муддатда, экиш усули ва меъёрлари таъсирида 1 м<sup>2</sup> да экилган урукка нисбатан 78-86%дан 74-82%гача, ўрта муддатда 75-83%дан 72-80%гача, кеч муддатда 70-79%дан 66-75%гача ўзгаради, экиш муддатининг кечикишида курсаткич 4% гача камайиб кетади. Қишлоқ даврида республиканинг жанубий минтақасида кузги бугдой майсалари 3-4%гача нобуд бўлади, хаво хароратининг пасайиши билан бу курсаткич 2-3%гача ошади.

3. Кузги бугдой навларининг ўсув даври уруғлар эрта муддатда (10 X) экилганда 234-237 кун, ўрта муддатда (1 XI) экилганда 214-216 кун, кечки муддатда (20 XI) экилганда 196-198 кун атрофида бўлади. Уруғлар эрта

муддатда экилганда туплаш фазасининг тулик шаклланиши хисобига вегетация даврининг узайишига, экишнинг кечикиши эса барча ривожланиш фазалари ва усув даврининг қисқаришига олиб келади.

4. Экиш усуллари, меъёр ва муддатлари маҳсулдор поялар сонига сезиларли таъсир қилади. Уруғлар эрта муддатда экилганда маҳсулдор поялар сони экиш усуллари ва меъёрлари таъсирида 508 тадан 638 тагача, ўрта муддатда 477 тадан 589 тагача, кеч муддатда 405 тадан 489 тагача ўзгаради. Экиш меъёрларининг ошиб бориши маҳсулдор поялар сонининг ошиб боришига таъсир курсатади. Экиш усуллари очик майдонда маҳсулдор поялар шаклланишига кучли таъсир этмайди, ғуза қатор орасида Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда бугдой уруғларининг жуякларда бир хил чуқурликка тушиши эвазига юқори бўлишини таъминлайди.

5. Уруғлар эрта ва ўрта муддатларда экилганда бошоқдаги донлар сони 43-45 донани ташкил қилгани ҳолда, экиш усуллари буйича кескин фарк кузатилмайди. Экишнинг кечикиши билан бошоқдаги донлар сони 39-43 донга булиб, эрта ва ўрта муддатларга нисбатан 3-4 та камаяди. Барча навларда экиш муддатларининг кечикиши билан усимликлар буйи пасайиб бориш қонунияти кузатилади.

6. Экиш меъёрлари ва усуллари бир донга бошоқдаги донлар массасига сезиларли таъсир курсатмайди. Экиш муддатларининг кечикиши билан бир бошоқдаги донлар массаси камаяди. Бир бошоқдаги донлар массаси уруғлар эрта муддатда экилганда 1,39-1,47 г, ўрта муддатда экилганда 1,31-1,37 г, кеч муддатда экилганда бошоқдаги донлар сони ва массасининг камлиги хисобига 1,07-1,13 г атрофида бўлади.

7. Уруғлар эрта муддатда очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда кузги бугдой навларининг ҳосилдорлиги экиш меъёрларига мос равишда 54,1-60,6 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 57,9-63,8 ц/га, ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 62,6-68,6 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 57,9-64,0 ц/га ни ташкил этади. Ўрта муддатда очик майдонга Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 50,3-56,7 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 52,5-58,9 ц/га, ғуза қатор орасига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 53,6-60,5 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 51,2-56,3 ц/га бўлади. Очик майдонга ва ғуза қатор орасига уруғлар кечки муддатда экилганда барча экиш усулларида, меъёрлардан қатъий назар эрта ва ўрта муддатларда экилгандагига нисбатан ҳосилдорлик камаяди.

8. Экиш муддатлари ва меъёрлари таъсирида 1000 донга дон массаси 37,4 г дан 44,3 г гача ўзгариб, экиш меъёрларининг ошиб бориши билан 1000 донга дон массаси қамайиб боради. Кузги бугдой навларини экиш муддати кечикиши билан дон натураси пасайиб боради, экиш меъёрлари ортиб боришида эса дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори камаяди.

9. Кузги бугдой навлари эрта муддатда экилганда ҳосилдорликнинг юқори бўлишига мос равишда, рентабеллик даражаси 42,7-70,8%, ўрта муддатда экилганда 30,2-50,7% ни ташкил этади. Кузги бугдой навларини ғуза қатор ораларига тўридан-тўғри ресурстежамкор Фанкхаузер-2115 сеялкасида экиш рентабеллик даражасини эрта муддатда 67-70%, ўрта

муддатда 45-50% бўлишини ҳамда иктисодий самарадорлик СЗУ-3,6 сеялкасида экилгандагига нисбатан юқори бўлишини таъминлайди.

10. Қашқадарё вилоятининг сугориладиган оч тусли буз тупроқларида кузги бугдойнинг янги навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида:

уруғларни эрта муддатларда (10 октябргача) очик майдонларга анъанавий (СЗУ-3,6) сеялкада;

ғўза қатор ораларига ресурстежамкор тўғридан-тўғри диски (Фанкхаузер 2115) сеялкада 5,5 млн. унувчан уруғ ҳисобида;

ўрта муддатларда эса (10 октябр – 1 ноябр) эса 6 млн. унувчан уруғ ҳисобида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РъD 27.06.2017.Qx.12.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗЕРНО И ЗЕРНОБОБОВЫХ  
КУЛЬТУР**

**УЗАКОВ ГУЛОМЖОН ОКБУТАЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ  
ВЫРАЩИВАНИЯ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ ЮЖНОГО  
РЕГИОНЕ УЗБЕКИСТАНА**

**06.01.08-Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РъD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Самарканд - 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx39.

Диссертации доктора философии (PhD) выполнена в Кашкадарьинском филиале Научно-исследовательского института зерно и зернобобовых культур.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам [www.samqxi.uz](http://www.samqxi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Халилов Насриддин</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Атабаева Халима Назировна</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	<b>Бобомирзаев Пириазар Хурсанович</b> доктор сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «10» 10 2018 года в 10 часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.Qx.12.01. по присуждению ученой степени при Самаркандском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77. Главное здание Самаркандского сельскохозяйственного института, 2-этаж, зал конференций Тел.: (+99866) 234-07-86, факс: (99866) 234-33-20, e-mail: [saai\\_info@edu.uz](mailto:saai_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского сельскохозяйственного института (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_). Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «26» 10 2018 года.)



**Т.Э.Остонакулов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.с.х.н., профессор

**А.Л.Саянкулов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.с.х.н., доцент

**А.А.Элмуродов**

Председатель научного семинара по присуждению  
ученой степени, д.с.х.н., доцент

## **Введение (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире при возделывании пшеницы большое значение придается получению качественного и высокого урожая за счет применения ресурсосберегающих технологий. В мировом масштабе в 2016 году производство зерна составляло 729 млн тонн, из них на долю мягких пшениц составляют 95 %<sup>3</sup>. В последние годы в мировом масштабе усиление водной и ветровой эрозии в пахотных горизонтах орошаемых земель, снижение микрофауны и флоры в почве приводят к уменьшению урожайности. В целях сохранения и повышения плодородия почв, где возделываются зерно колосовых культур во многих государствах применяются ресурсосберегающие технологии (No-till) и достигается положительный результат.

В мире за счет применения технологии No-till, минимальной обработки почвы и других ресурсосберегающих технологии возделывания зерновых культур достигается экономия горюче-смазочных материалов и других материальных ресурсов, а также повышение эффективности за счет развития микрофлоры и микрофауны в почве<sup>4</sup>. С этой точки зрения, применение ресурсосберегающих, направленных на улучшение почвенной среды технологии при возделывании зерновых в республике является актуальной проблемой в области зерноводства.

В настоящее время в Республике в направлении модернизации и интенсивного развития сельского хозяйства, непрерывного производства сельскохозяйственной продукции, дальнейшей укреплению продовольственной безопасности страны, расширения производства экологически чистой продукции, существенного повышения экспортоспособности аграрного сектора осуществляются всесторонние мероприятия. За счет диверсификации и реформы сельскохозяйственного производства, внедрения современных высокоэффективных технологий, а также укрепления материально-технической базы хозяйств в 2017 году получено 8 миллионов 377 тысяч тонн зерна<sup>5</sup>. В рамках Стратегии по дальнейшему развитию республики «...в сельском хозяйстве обращается особое внимание усовершенствованию разработки ресурсосберегающих технологий, применению агротехнологических способов», повышающих плодородие почв и урожайность сельскохозяйственных культур.

Исследования этой диссертации в определенной степени служат для осуществления тех задач, которые определены в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПП-4947 «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Указе Президента Республики Узбекистан от 16 января 2018 года УП-5303 «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности

<sup>3</sup> [www.ab-ctentre.ru](http://www.ab-ctentre.ru) ; <http://www.statista.com> ;

<sup>4</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Система\\_нулевой\\_обработки\\_почвы](https://ru.wikipedia.org/wiki/Система_нулевой_обработки_почвы)

страны», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлением науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики раздела V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Рост, развитие перезимовка озимой пшеницы и их зависимость от вида, сорта, сроков высева, погодных условий, удобрения, орошения, предшественников изучены Ф.М.Пруцковым, И.П.Осиповым, Н.Халиловым, П.Х.Бобомирзаевым, В.Гостюхином, Х.К.Келдияровой, Т.Жалоловым, А.Мансуровым. По данным проведенных исследований, самый оптимальный срок посева озимой пшеницы в Алматинской, Талдикурганской, Жамбулской областях Казахстана является 10-15 октября, в Чимкентской области 20-30 сентября, в Кашкадарьинской области – 21 октября, в Ташкентской области – 5-10 октября, в республике Каракалпакстан – от 21 сентября до 10 октября, в Московской и Орловской областях Российской Федерации – 25-30 августа, в Костромской области – 15-20 августа, на северном Кавказе – 10-20 сентября.

При возделывании озимой пшеницы на основе ресурсосберегающих технологий изучено со стороны Г.А.Лавронова, Н.Г.Малюга, Р.Назарова, Ф.Хасановой, Х.Н.Атабаевой, что основная обработка почвы является самым важным мероприятием в технологии возделывания озимой пшеницы. Они в своих исследованиях доказали, что основная обработка почвы улучшает физические, физико-химические, химические, водно-физические, биологические свойства, водные, тепловые, питательные режимы почвы, помогает усилению деятельности почвенных микроорганизмов, ускоряет разложение органических веществ и тем самым создает благоприятное условие для развития растений.

